

ФУҚАРОЛАР ИШ БЕРУВЧИЛАР ДАВЛАТ УЧУН ХУҚУҚ, БУРЧ, УСТУВОР ВАЗИФА



28 апрель – Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни муносабати билан Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ), Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ҳамда бир қатор вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида «Меҳнат муҳофазасининг янги босқичи: иш жойида сунъий интеллект ва рақамлаштиришнинг роли» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда соҳага алоқадор 30 дан ортиқ халқаро экспертлар иштирок этдилар.

Конференция рақамлаштириш асосида ходимларнинг меҳнат хавфсизлигини таъминлашда реал ва аниқ ечимлар ишлаб чиқишга йўналтирилган бўлиб, гибрид шаклда ўтказилди. Тадбирда рақамли технологиялар ва сунъий интеллектнинг меҳнатни муҳофаза қилиш тизимидаги ўрни, ишлаб чиқаришдаги хавф-хатарларни автоматлаштирилган тарзда аниқлайдиган, мониторинг қиладиган ва олдини олишда қўл келадиган илғор технологик ёндашувлар муҳофазага қўйилди. Хавфсиз ва соғлом меҳнат муҳитини таъминлаш – фуқаролар учун ҳуқуқ, иш берувчилар учун бурч ва давлат учун устувор вазифа эканлиги алоҳида таъкидланди.

– Соҳага оид маълумотларни йиғиш, уларни таҳлил қилиш орқали хавфларни аниқлаш ва минималлаштириш, ишчилар саломатлигига

таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш, янги ва инновацион ечимларни жорий этиш, меҳнат шaroитларини доимий равишда кузатиш, қарор қабул қилиш жараёнини тезлаштириш ҳамда иш жойларидаги хавфли вазиятлар ҳақида олдиндан маълумот олишда рақамли технологиялар ва сунъий интеллектнинг аҳамияти беқиёсдир. Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектнинг жорий этилиши меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасини тартибга солиш, самарадорликни ошириш, очиклик ва шаффофликни таъминлаш ҳамда коррупция хавфини камайтиришда муҳим роль ўйнайди, – деди Камбагалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Давлат меҳнат инспекцияси бошлиғи ўринбосари Шукурullo Мавлонов.

Мамлакатимизда ўтган йили ишлаб чиқаришда 868 та бахтсиз ҳодиса содир бўлиши оқибатида 976 нафар киши жароҳатланган. Улардан 30 нафари энгил, 685 нафари оғир тан жароҳати олган, 261 киши ҳалок бўлган.

Конференция якунида ўтганлар хотирасига бағишланган дарахт экиш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Феруза РАҲИМОВА
«ISHONCH»

Ўзбекистон касба уюшмалари: АДОЛАТ ВА МЕҲНАТ ХУҚУҚЛАРИ ЙЎЛИДА

120

Бу йил Ўзбекистон касба уюшмаларининг 120 йиллик муборак санаси нишонланмоқда. Мазкур рамзий юбилей нафақат тарихий жараёнга назар ташлаш, балки мамлакатимиздаги касба уюшмалари ҳаракатининг жамият ҳаётида тутган муҳим ўрнини яна бир бор тасдиқлаш имконини ҳам беради.



Қаландар АБДУРАҲМОНОВ, академик

Касба уюшмалари ҳар қандай замон ва шароитда меҳнатқашлар манфаатини ҳимоя қилувчи муҳим ижтимоий институт сифатида юзага чиққан ва шаклланган. Соҳага хос илк тузилмалар инсоният тарихининг қадим давларидаёқ юзага келган. Бунга Греция, Миср ва жануби-ғарбий Осиёдаги хунармандлар, савдогарлар уюшмалари мисол бўла олади. Қўҳна Римдаги collegia деб аталган тузилмалар эса касба уюшмалари тарихининг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини яратган.

Замонавий маънодаги касба уюшмалари ҳаракати XVIII аср охирида Англияда саноат иқтисодиёти даврида шаклланди. 1792 йилда Ланкастер шаҳрида ип-газмалар ишлаб чиқарувчи ишчилар томонидан илк меҳнат уюшмаси ташкил этилди. Бу ҳаракат заводлар эгалари ва ҳукуматни жиддий оғоҳлантirdи. Илк бор меҳнатқашлар ўз ҳуқуқларини яқдиллик билан ҳимоя қилишнинг таъсирчан усули сифатида иш ташлашдан фойдаландилар. Аммо 1799 ва 1800 йилларда қабул қилingan Combination Acts қонунлари касба уюшмалар фаолиятини қатъий тақиқлади.

Фақат 1824 йилда танқидчи Френсис Плейс ва парламентарий Жозеф Юм ташаббуси билан мазкур тақиқлар бекор қилинди ва касба уюшмалари қайта тикланди. Ушбу босқичда касба уюшмалари легал мақомга эга бўлди ва ишчиларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли тобора ортиб борди.

Урта Осиёда касба уюшмалари ҳаракати XX аср бошларида юзага келган. 1905 йил октябрь ойида Тошкентда почта ва телеграф ходимлари йиғилишида Туркистон почта-телеграф уюшмаси ташкил этилди. Шу йили Москвадаги темир йўл ходимларининг курултойида Умурроссия темир йўл уюшмаси таъсис этилди ва унинг Туркистон бўлими Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Андижон шаҳарларида фаолият бошлади. 1906 йилдан эътибор полшарафия, ҳисоб-китоб, транспорт каби соҳаларда ҳам касба уюшмалари пайдо бўлди.

1918 йил 22 июндан 2 июлгача бўлган даврда Туркистон касба уюшмаларининг биринчи курултойи бўлиб ўтди. Унда 92 мингдан ортиқ уюшма аъзолари номидан 227 нафар вакил қатнашди. Курултойда касба уюшмалари низоми қабул қилинди ва Туркистон Касба уюшмалари марказий кенгаши ташкил этилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси мамлакатимиздаги энг йирик жамоат ташкилоти ҳисобланади. У ўз сафида 7 миллионга яқин аъзони бирлаштирган ҳолда Янги Ўзбекистонда меҳнатқашлар манфаатлари ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий барқарорликни таъминлаш, фуқароларнинг турмуш сифатини ошириш йўлида изчил фаолият олиб бормоқда.

120 йиллик шонли тарих – бу нафақат ўтмишга ҳурмат рамзи, балки янги авлодни ижтимоий адолат, инсоний қадриятлар ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида тарбиялашга чорлов ҳамдир. Бугунги касба уюшмалари ўз нуфузи, ташкилотчилик тажрибаси ва замон талабларига мос ечимлари билан давлат ва жамият тараққиётида муҳим ўрин тутаяётганини яна бир бор исботламоқда.

ҚИММАТГА ТУШГАН ЛОҚАЙДЛИК

Фарғона вилояти Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармасида ишлаб келаётган Мохинур Тожибоева билан тузилган меҳнат шартномаси бошқарма томонидан бекор қилинади. Бироқ негадир меҳнат дафтarchасини бериш пайсалга солинади. М.Тожибоеванинг айнан шу масалада раҳбариятга бир неча марта учрашгани бешбар кетади.

Бошқарма мутасаддиларининг лоқайдликларидан қаттиқ ранжиган Мохинур Тожибоева Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгашига мурожаат қилиб, ҳуқуқий кўмак сўрайди. Мурожаат белгиланган тартибда ўрганилганда иш берувчи томонидан унга меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқ ва меҳнат дафтarchасини берилмагани аниқланди. Шу асосда далолатнома расмийлаштирилиб, мурожаатчига ишдан бўшаш тўғрисидаги буйруқ ва меҳнат дафтarchаси топширилди.

Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 29 январда 402-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Меҳнат дафтarchаларини юритиш тартиби тўғрисида»ги йўриқноманинг 3.1-бандида иш берувчининг айби билан меҳнат дафтarchасини бериш кечиктирилса, у ҳолда бу давр учун ходимга ўртача ойлик иш ҳақи тўланади, деб белгиланган.

Шунга кўра, фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан Мохинур Тожибоевага меҳнат дафтarchасини ўз вақтида топшириш иш берувчининг айби билан кечиккан давр учун 70 млн. 265 минг сўм иш ҳақи ундириб берилди.

Мансуржон УСМОНОВ,
Ўзбекистон касба уюшмалари
Федерацияси Фарғона вилояти
кенгашининг бош мутахассиси

ШЕРОБОД ТУМАНИ «СУВ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ХИЗМАТИ» ДАВЛАТ МУАССАСАСИНИНГ БИР НЕЧА ХОДИМИ ЎЗБЕКИСТОН КАСБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИГА ИШ БЕРУВЧИНИНГ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИДАН НОРОЗИ БЎЛИБ, МУРОЖААТ ЙЎЛЛАШДИ.

ХОДИМЛАР ҲАҚИНИ ОЛИШДИ



Касба уюшмаси аралашгач...

Ўрганиш мобайнида маълум бўлишича, қорхона ишчи-хизматчиларига ойлик маошга кўшимча рағбатларнинг маълум қисми тўланмай келган. Ваҳоланки, Сув хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 6 декабрдаги 252-буйруғига биноан, тизимдаги ходимлар рағбатлантирилиб борилиши керак эди.

Меҳнат кодексининг 252-моддасида рағбатлантирувчи хусусиятга эга тўловлар жумласига мукофотлар, иш ҳақига кўшимча маблағлар, устамағлар ва бошқалар кириши кўрсатилган.

Мурожаатчиларнинг манфаатларини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича Шеробод туманлараро судига даъво-ариза киритилди. Суднинг ҳал қилув қарори билан ходимлар фойдасига иш берувчидан 18 миллион 736 минг 15 сўм рағбатлантириш маблағлари ундириб берилди.

Зариф ХОЛОВ,
Ўзбекистон
касба уюшмалари
Федерациясининг
Сурхондарё вилояти
кенгаши
меҳнат ҳуқуқ
инспектори

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган

12-11

қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.

■ ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИГИЛИШЛАРИ



Тармоқ касба уюшмаси Хоразм вилояти кенгаши тасарруфидagi бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайловлар кўтаринки руҳда бўлиб ўтди. Охириги Хива тумани тиббиёт бирлашмасида ўтказилиб, унда гуруҳ ва цех ташкилотларидан сайланган 47 нафар делегат қатнашди.

КАСАБАҚҮМГА ЯНА ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ

Конференция аввалида Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Гузал Тўхтаева ҳамда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши раиси Гулсара Қурбонбоева сўзга чиқиб, касба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги, ташкилот томонидан аъзолар манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритишди. Сунтра кун тартибидagi масалалар муҳокама қилинди.

Ҳисобот даврида 425 нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари ўқув қуроллари харид қилиши учун зарур харажатларнинг бир қисми қопланди. Фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган 85 нафар ёш онага моддий ёрдам кўрсатилди. 42 нафар ёш болали аёлга ойлик маоши сақланган ҳолда иш вақти ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланишига эришилди. Ногиронлиги бўлган шахслар ва ўзгалар парваршига муҳтожлар (муассасанинг собиқ ходимлари)га, ишламайдиган пенсионерларга моддий ёрдам, юбилей саналари, пенсияга чиқishi муносабати билан эса эсдалик совғалари топширилди. Ўтган йили ходимларга жамоа шартномаси шартларини бажариш учун 27 миллиард 384 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланган бўлиб, бу кўрсаткич 2020 йилга нисбатан 5 баробарга ошди.

Ҳисобот даврида 2520 та мурожаат қайд этилиб, барчаси қонуний асосларда ҳал қилинди. 82 нафар ходимга ижтимоий суғурта, 97 нафар хо-

димга касба уюшмалари бюджетдан санаторийларга имтиёзли йўлланмалар берилди. Уларнинг фарзандларини соғломлаштириш учун эса болалар оромгоҳларига 127 та йўлланма имтиёзли асосда, 50 та йўлланма бепул тақдим қилинди.

Ҳисобот даврида 52 та иш ўрни аттестациядан ўтказилиши натижасида 348 нафар ходим қўшимча меҳнат таътилига чиқиб, 225 нафари махсус кийим-бош ҳамда шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланиш, 120 нафари имтиёзли шартларда пенсияга чиқиб ҳуқуқига эга бўлди. Ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ва касб касаликларининг олдини олишга қаратилган 80 та тадбир амалга оширилди.

«Ўзбекистон буйлаб саёҳат қил!» дастури доирасида республикамиз буйлаб туристик сайёҳатлар, концерт, театр, музей ва кўргазмалар залларга ходимларнинг ташрифи уюштирилди. Шунингдек, спорт тарғиботчиси ва касба уюшмаси кўмитаси ҳамкорлигида 125 тадан зиёд спорт тадбирлари ўтказилди.

Музокараларда сўзга чиққанлар кўмита фаолиятини қониқарли деб баҳолашди. Яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган сайловда икки нафар номзод кўрсатилди. Натижаларга кўра, Руслан Қурбонова касба уюшмаси кўмитаси раислигига қайта сайланди.

Конференция кун тартибидagi барча масалалар атрофлиқа кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Гулхоним АМИНОВА,
Соғлиқни сақлаш
ходимлари касба
уюшмаси Хоразм вилояти
кенгаши етакчи
мутахассиси

ТАШАББУС БОР ЖОЙДА...



«Ўзбекнефтога» акциядорлик жамияти бирлашган касба уюшмаси кўмитаси аъзолари сони 14 минг нафарга яқин. Бундан билиш мумкинки, мазкур жамиятда ишчи-ҳодимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, қулай меҳнат муҳити яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Тизимдаги бошқарма ва корхоналарда ишлаш ҳам ходимдан фидойилик талаб этади. Бу ерда меҳнат қилиш жараёнида ишчилар соғлиғига зиён етиши, экологик барқарор турмуш тарзига зид жараёнларга дуч келиши мумкин. Шундай ҳолатларда уларнинг соғлиғини тиклаш, тарихий қадимжолар ва ҳушманзара табиат бағрига саёҳатлар ташкил этиш, заҳарланишга қарши махсус истеъмол воситалари билан таъминланиши корхона-ташкilotлар касба уюшмалари зиммасида турган асосий вазифага айланади. Айниқса, ўтган икки ой ҳар бир раиснинг фидойи меҳнатига одилонга баҳо берадиган давр бўлди.

Яқинда Қарши шаҳрида «Ўзбекнефтога» акциядорлик жамияти бирлашган касба уюшмаси кўмитасининг навбатдаги ҳисобот-сайлов конференцияси ўтказилди. Унда тизим ташкилотларидан 77 нафар делегат, шунингдек, юқори касба уюшмаси ташкилотлари мутасадди раҳбарлари иштирок этишди.

Конференция аввалида жамият ва Бирлашган касба уюшмаси кўмитаси ўртасида 2023-2025 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг 2024 йилда бажарилиши яқунлари, жамоа шартномасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масалалари муҳокама қилинди.

Муборак газни қайта ишлаш заводида 3 минг нафардан ортиқ ишчи-ҳодим меҳнат қилади, — дейди завод офис менежери Шаҳноза Ҳайитова. — Уларнинг 400 нафардан ортигини хотин-қизлар ташкил этиб, барчаси учун муносиб меҳнат шaroитлари яратилган. Яъни жамоа шартномасининг 10-бандида қатор

имтиёзлар белгиланган. Спорт мусобақалари, тарихий шаҳарлар ва экотуризм манзилларига саёҳатлар, маънавий-маърифий соатлар, таниқли санъаткорлар иштирокида концерт шуолари мунтазам ташкил этиб келинмоқда. Бугун жамоа шартномасига қатор ўзгартиришлар киритилди. Қувонарлиси, бола парвариши таътилида бўлган аёллар моддий рағбатлантириб бориладиган бўлди.

Ҳисобот-сайлов конференцияси кун тартибига эса 9 та масала қўйилди. Дастлаб Бирлашган касба уюшмаси кўмитасининг сўнгги беш йиллик фаолияти яқунлари ва тафтиш комиссиясининг ҳисоботлари тингланди.

— Маълумки, ҳозирги ислохотлар касба уюшмаларидан ҳам даврга мос равишда қадам ташлаш, иш услубларини такомиллаштириш, тинимсиз изланиш ва ташаббус кўрсатиши талаб этипти, — деди «Тўрақўрғон» нефть базаси касба уюшмаси кўмитаси раиси Бекмирза Убайдуллаев. — Одамларнинг оғирини енгил қилиш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, меҳнат муносабатларини тартибга солиш, ишчи-ҳодимлар манфаатларини ҳимояси касба уюшмаларининг асосий принципларига айлиниб улғурди. Бирлашган касба уюшмаси кўмитаси ҳам ҳисобот даврида ходимларнинг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатлари ҳимояси борасида жамият бошқаруви билан биргаликда 340 тадан зиёд қўшма қарор ва буйруқлар қабул қилган. Ходимларнинг ойлик иш ҳақлари 35-40 фоизгача кўтарилишига эришилган. 158 та ҳолатда ходимлар манфаатлари ҳимоя қилинган. Албатта, бу саъй-ҳаракатлар жамоада соғлом муҳитни юзага келтиради. Биз, дехқатчи ҳисоботи тинглаб, бир овоздан қониқарли деб топдик.

Яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган сайловда икки нафар номзод кўрсатилди. Делегатларнинг 67 нафари амалдаги раис Баҳодир Муродова овоз беришди. Яқуний натижадан сўнг делегатлар «Муродов ишончи оқлаб келяпти, у билан муродга етимиш», дея дилларидagi гапни айтишди. Касба уюшмаси кўмитаси раисининг ўринбосари ҳам сайланди. Кўмитанинг амалдаги 14 кишилик таркиби 21 кишига кўпайди.

Баҳодир ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»



РЕСПУБЛИКАДАГИ ЖАМИ 37 037 ТА БОШЛАНҒИЧ КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТИДАН, 28 АПРЕЛЬ КУНГИ МАЪЛУМОТЛАРГА КўРА, 36 888 тасида (99,6 %) МУҚОБИЛИК АСОСИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИГИЛИШЛАРИ (КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ) ўТКАЗИЛДИ.

— Бажарилган ишларни сарҳисоб қилар эканмиз, қайси бошланғич ташкилотимизда ишлар яхши йўлга қўйилган бўлса, ўша жамоа аҳли раҳбардан ҳам, касба уюшмаси етакчисидан ҳам рози эканлигининг гувоҳи бўляпмиз. Агар ташкилотда ишлар ўлда-жўлда бўлса, меҳнат аҳли сайлов жараёнида ўзларининг қатъий ҳулосаларини бермоқда, — дейди Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касба уюшмаси Сурхондарё вилояти бирлашган кўмитаси раиси Абдуҳамид Қўзимуродов.

МЕҲНАТИГА ЯРАША ҚАДР ТОПАЁТГАНЛАР

Мазкур кўмитага қарашли Сарисоё тумани ободонлаштириш бошқармасида 350 нафар ходим меҳнат қилади. Улар ҳудуддаги ободонлаштириш-қўқаламзорлаштириш ишларида фаол қатнашмоқдалар. Ёзининг иссиқ, кишининг совуқ кунларида ўз вазифаларини астойдил адо этмоқдалар. Шундан келиб чиққан ҳолда, касба уюшмаси кўмитаси томонидан барчасига ижтимоий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Бўлиб ўтган ҳисобот-сайловда қилинган ишлар жамоа томонидан эътироф этилиб, касба уюшмаси кўмитаси раислигига аввалги раис Тошбой Пайғамов қайта сайланди.

230 нафар ходим ишловчи «Тўпаланг — Қоратоғ» ирригация тизими бошқармасида бўлиб ўтган ҳисобот-сайловда касба уюшмаси кўмитасининг сарҳисоб давридаги фаолияти таҳлил этилди. Таъкидландики, жамоа шартномасига мувофиқ ишчи-ҳодимларга иш стажидан келиб чиқиб, қўшимча таътил кунлари бериш жорий қилинган. Бундан ташқари, ҳар бир ходимга сарфланган маблағ 2024 йил якуни бўйича ўртача 34,6 миллион сўми ташкил этиб, 2020 йилга нисбатан 5,2 фоизга ортан. Ҳисобот даврида жамоа шартномаси уч марта қайта ишлаб чиқилиб, мукамаллаштирил-

ган. Натижада ходимларнинг устама олиши, кўп йиллик иш фаолияти учун 60 фоизгача қўшимча ҳақ тўланиши, ривожлантириш жамғармасидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиб олишга моддий ёрдам маблағлари ажратилиши таъминланган. Ҳар йили уларга санаторийларда соғлиқларини мустаҳкамлашлари учун йўлланмалар берилмоқда. Фарзандлари эса имтиёзли йўлланма асосида оромгоҳларда дам олдиришмоқда. Тарихий шаҳарларга саёҳатлар уюштирилмоқда. Бу каби ишлар самараси улароқ, Аликкул Жўраев яна касба уюшмаси кўмитаси раиси этиб сайланди.

Термиз давлат педагогика институтини вилоятдаги нуфузли олий ўқув юртлиридан бири саналади. 10 311 нафар талаба таҳсил олаётган бу даргоҳда ҳозир 758 нафар профессор-ўқитувчи ва ишчи-ҳодим фаолият юритади. Ўтган давр мобайнида уларнинг бир қанчаси имтиёзли йўлланмалар асосида санаторийларда саломатлигини тиклашди. Моддий ёрдам пуллари, фарзандлари учун оромгоҳларга йўлланмалар ажратилди. Танловлар ва спорт мусобақалари голиблари рағбатлантирилди. «Ўзбекистон буйлаб саёҳат қил!» дастури доирасида саёҳатлар уюштирилди.

Сайловда делегатлар институт касба уюшмаси етакчилигига зиммасидаги вазифаларни қониқарли даражада адо этган Бахтиёр Сафаровни лойиқ кўришди.

Мирзокул Мансуров раҳбарлигидаги «Худудгаз Сурхондарё» газ таъминоти филиалида эса бугунги кунда 1052 нафар ходим меҳнат қилади.

— «Зангори олов» билан бевоқифа ишлайдиган ҳамкасбларимиз саломатлигини сақлаш биз учун ҳамisha устувор вазифа, — дейди филиал матбуот котиби Азизбек Машрабов. — Шу боис ҳисобот даврида меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирлари учун 2 миллиард 120 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Самарали ишлаган ходимларга байрамлар муносабати билан устамалар ва муқофот пуллари берилди. Чунанки, жамоа шартномасидаги ижтимоий имтиёз ва кафолатлар татбиқ этилган ҳолда, филиал ходимларига беш йил мобайнида 25 миллиард 741,5 миллион сўм тўловлар тўланди, 56 нафарига ишдаги муваффақиятлари учун, 64 нафарига юбилей ёши муносабати билан эсдалик совғалари тарқатилди. Ходимлар ва уларнинг яқин қариндошларини соғломлаштириш, мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойларга саёҳатлар уюштириш, фарзандларини

оромгоҳларда дам олдириш тизимли олиб борилди. Қилинган ишлар эътирофи сифатида «Худудгаз Сурхондарё» ГТФ Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан ўтказилган «Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш» кўрик-танлови вилоят босқичининг «Энг яхши корхона» номинациясида 1-ўринни қўлга киритди. Бунинг ҳаммаси касба уюшмаси кўмитаси маъмурият билан ҳамжиҳатликда иш олиб бораётгани самарасидир. Хайрли амаллар ерда қолмади. Ҳамкасблари бу галги сайловда ҳам Алижон Қобиловни қўллаб-қувватлашди.

— Кенгашимиз ишчи-ҳодимларнинг чинакам қалқони бўлаётгани сабабли йил сайин аъзоларимиз сафи кенгайиб бормоқда, — дейди Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши раиси Абдукарим Аҳмедов. — Жумладан, беш йил аввал вилоятда касба уюшмалари ўз сафида 305 мингдан ортиқ аъзони бирлаштирган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич қарийб 445 минг нафарга етди. Албатта, шунга яраша воҳада меҳнат жамоасининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш борасидаги ишлар кўлами ҳам кенгайди. Табиийки, ишчи-ҳодимлар зарурий ижтимоий қўловини ҳис қилишлари учун қатор имтиёзлар беришга ва қулай меҳнат муҳити яратишга долзарб вазифа сифатида қараб келаётган ташкилотларда етакчилик ҳам ўзининг, ҳам касба уюшмаси нуфузини оширмоқда. Бу ҳисобот-сайловларда ўз исботини топмоқда.

Бинобарин, ҳозиргача воҳада мавжуд 2870 та бошланғич ташкилотнинг 2862 тасида муқобиллик асосида бўлиб ўтган ҳисобот-сайловларда касбақўм раислари сайлаб-сараб олди. Эътиборлиси, уларнинг 391 нафари янги сайланди.

Чори ЖУМАҚУЛОВ
«ISHONCH»



Бахтиёр Тоштемиров ўтган йилдан буён Фарғона вилояти солиқ хизмати органлари ходимлари бирлашган касба уюшмаси кўмитаси раиси сифатида ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиб келмоқда. Тажрибали инсоннинг етакчилиги қилиши жамоадагилар учун ҳам манфаатли бўлмоқда.

Маълумки, агар бирор ходим ишдан бўшатиладиган бўлса, албатта, касба уюшма кўмитаси раисининг розилиги керак. Касба уюшма етакчиси 3 нафар ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинишига розилик бермади. Бу ҳам етакчи аъзоларнинг ҳақиқий ҳимоячиси эканини исботлади.

МУҲИМИ, АЪЗОЛАР РОЗИ БЎЛСИН!

Агар унинг ўтган йилги фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, жамоадоллари учун кўп ишларни амалга оширганни кўришимиз мумкин. Ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, саломатликларини мустаҳкамлаш, саёҳатларга олиб бориш, керакли ёрдамларни кўрсатиш унинг асосий ишига айланган.

Албатта, баҳони жамоадоллари беришади. Фарғона вилояти солиқ бошқармасида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференциясида иштирок этган делегатлар у олиб борган ишлардан қониқиб ҳосил қилганликларини билдиришди.

Хабарингиз бор, бу йилги сайловлар муқобиллик асосида, яширин овоз бериш йўли билан ўтказилмоқда. Шу боис

муносиблар сайланмоқда. Фарғона вилояти солиқ бошқармасида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференциясида касба уюшмаси раислигига қўйилган номзодлар орасидан Бахтиёр Тоштемиров кўп овоз тўплаб, вилоят солиқ хизмати органлари ходимлари бирлашган касба уюшмаси кўмитаси раислигига сайланди.

Кўриниб турибдики, етакчи ишчи-ҳодимлар учун жон куйдирадиган, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қила оладиган бўлса, шубҳасиз, жамоадоллари унга ишонч билдиради.

Жамшид ЭРҒАШЕВ
«ISHONCH»

СЎРАНГ, жавоб берамиз

ЎРИНДОШЛИҚДАГИ ТАЪТИЛ УЧУН ҲАҚ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

САВОЛ: Иккита жойда ишлайман. Яқинда асосий иш жойимдан йиллик меҳнат таътили олмақчиман. Ўриндошлиқда ишлаётган корхона раҳбариятидан айнан шу даврда таътил сўрасам, рози бўлишмапти. Уларнинг бу ҳаракати қонунийми? Ўриндошлиқдаги таътил учун ҳақ тўлаш тартиби қандай?

Дилшод ҚўЧҚОРОВ
Тошкент вилояти

ЖАВОБ: Ўриндошлиқ асосида ишлаётган жойингиздаги раҳбарларнинг ушбу ҳаракати меҳнат қонунчилигига зид ҳисобланади. Хусусан, Меҳнат кодексининг 439-моддасида ўриндошлиқ асосида ишловчи шахсларга йиллик асосий ва қўшимча меҳнат таътиллари асосий иш жойидан берилиши қатъий белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, асосий иш жойи бўйича йиллик меҳнат таътилининг давомидаги ўриндошлиқ асосидаги таътилдан кўп бўлган ҳолларда иш берувчи ўриндошлиқнинг илтимосига кўра, иш ҳақи сақланмайдиган таътил бериши шарт.

Агар ўриндошлиқ асосида ишнинг биринчи йилида ходим олти ойдан кам ишлаган бўлса, йиллик меҳнат таътили учун ишлаган вақтга мутаносиб равишда ҳақ тўланади.

Хуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

КАМБАҒАЛЛИК БУГУН АЙБ

Кармана туманининг Дўрмон маҳалласида Пирназар исмли уруш қатнашчиси яшарди. Эл орасида ҳалол меҳнати билан донг таратган бу инсон ишнинг кўзини биладиган ва қаттиқ меҳнат қиладиган киши эди. Бобонинг оиласи томорқасидаги деҳқончилик ва чорвачилик ҳисобидан фаровон яшаган. Маҳаллада деҳқончиликни кўпчилилик шу одам ўргатган. Узидан ортириб, муҳтожларга ҳам кўп қарашган.

Аммо тўғрисиъ бува одил бўлган Пирназар бува ёрдам сўраганларга ўзининг бир шартини қўйган. Яъни томорқасига экин экиб, ҳосилини ку-таётган, оғилидаги қозғида моли бўлганларгагина ёрдам қилган. Томорқасини қаровис, оғилини чорвасиз қолдирганларга эса рад жавобини берган. «Ким камбағал?» деган саволга дангалига: «Дангаса, ишқамас ва ношуд камбағал, бундан кейин ҳам ночор яшайди», деб жавоб берган.

Бугун Пирназар бува орзу қилган кунлар рўбенин кўраямиз. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Янги Ўзбекистонда камбағал оилалар ҳаётини ўзгартириш, турмуш тарзини яхшилаш учун «Камбағалликдан фаровонлик сари!» дастури амалга оширилляпти.

Навий вилоятида ҳам барча тизимдаги раҳбарлар ўз худудидаги камбағал оилалар хонадонига кирди, оила бошлиқлари билан суҳбатлашди. Нима муаммоси борлигини, қандай ёрдам кераклигини аниқлаштириб олди. Бу жараён ҳозир ҳам изчиллик билан давом эттирилмоқда. Энг муҳими, кемтик кўнгилларда умид уйғонмоқда. Рақамларга мурожаат қилсак, бу ўзгартириш яққол кўзга ташланади.

Азалдан навийликлар Қизилқум воҳасида яшашига қарамасдан, аҳолининг асосий қисми шахсий томорқага эга бўлиб келган. Улар бир қарич ерни ҳам мўмай даромад манбаига айлантирганлар. Аммо ҳовлисидаги бор имкониятдан тўлақонли фойдаланмайдиган ёки бунинг урдасидан чиқолмайдиганлар ҳам йўқ эмас. Аслида экин экишга шароити бўла туриб, кўп қовуштириб ўтириш дангасалиқнинг ўзинаси. Қимирлаган, ҳаракат қилган одам эса бугун асло кам бўлаётгани йўқ. Буни ҳозир одамлар яхши тушуниб етмоқда. Ўзи ташаббус кўрсатиб, икки сотих ердан ҳам яхшигина даромад олиш мумкинлигини англамоқда. Қайси хонадонга

кирманг, бўлакча файз, шуқуҳга гувоҳ бўласиз. Одамларнинг турмуши яхшиланаётгани уларнинг юзида, сўзида намоён бўлмоқда.

— Очиғи, кўлдан берганга қуш тўймайди. Айниқса, ижтимоий ёрдам қилишдаги тебратиб оғир. Хўш, қачонгача ёрдам кутиб яшаш мумкин. Одам ўз ҳаётини ўзи яхшилаш керак, — дейди Навбахор тумани, Пахтакор маҳалласида яшовчи Нуриддин бобо Мирзаев. — Етти йилдан буюн лимончилик билан шуғулланаман. Жорий йилда ҳам ҳовлимиздаги 4 сотих ерда иссиқхона ташкил қилиб, 50 дона лимон кўчати экидик. Ўтган йили ҳар бир тупидан 40 килодан ҳосил олгандик. Даромадимиз ҳам чакки бўлмади. Тўғриси, бу ишларни маҳалла мутасаддиларининг кўмагисиз амалга оширилмасдиқ.

Вилоятда ўтган йили камбағал оилалар 18,7 мингни ва камбағаллик даражаси 7,6 фоизни, шунингдек, ишсизлар 28,6 мингни ва ишсизлик даражаси 6,3 фоизни ташкил этган. 330 та маҳалладаги 2 минг 723 та камбағал оила 550 нафар раҳбар ходимга бириктирилган.

Мутасадди раҳбарлар томонидан 2 минг 723 та хонадонга кириб, улардаги вазият ўрганилди. 17 минг 132 та муаммо аниқланиб, 15 минг 980 таси ҳал этилди. Жумладан, 3 минг 167 та оила аъзоларига барқарор бандлик ва юқори даромад топишга эришиш йўналишида ёрдам кўрсатилди, шундан 113 нафари касб-хунарга ўқитилди, 220 нафарига субсидия берилди, 278 нафари имтиёзли кредит ажратилди ва 2 минг 556 нафари бошқа йўналишлар орқали бандлиги таъминланиб, даромади оширилди.

Албатта, ҳолва деган оғиз чучимаиди. Камбағалликни қисқартиришда аҳолининг фаоллиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу боис маҳаллаларда тадбиркорлик муҳитини яхшилаш мақсадида ўтган йили қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва кичик

■ МУЛОҲАЗА

ишлаб чиқариш соҳасида 12 минг 377 та микролойҳа ишга туширилиши натижасида 21 минг 401 та иш ўрни яратилди.

Бундан ташқари, аҳоли даромадларини ошириш мақсадида мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, вилоятда 55 нафар тадбиркорни жалб қилган ҳолда пиллачилик, тикувчилик, каштачилик, жунни қайта ишлаш, стол-стул тўқиш, мебелчилик, кулолчилик, гилам тўқиш йўналишларида касаначилик ташкил этилиб, 6 минг 60 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Вилоятда оилавий тадбиркорлик дастури доирасида шу кунга қадар ҳоким ёрдамчилари тасияномалари асосида 17 мингта лойиҳага жами 395,29 млрд. сўм миқдорда имтиёзли кредит берилди. Шунингдек, ўтган давр мобайнида 1424 нафар ишсиз, «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киририлган фуқароларга ўзини ўзи банд қилишида кўмаклашиш мақсадида 6,5 млрд. сўм субсидия маблағлари ажратилди.

Жорий йилда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб вилоятда 140 минг нафар аҳоли бандлигини таъминлаш, ишсизлик даражасини 2,5 фоизгача, камбағаллик даражасини 3,4 фоизгача пасайтириш режалаштирилган. Қолаверса, тижорат банклари томонидан барча манбалардан ажратиладиган 8,5 трлн. сўм кредитлар ҳисобидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва тадбиркорларни лойиҳаларини молиялаштириш каби вазифалар белги-ланган.

Мавриди келганда айтиш керакки, айрим раҳбарлар ўзига бириктирилган камбағал оиланинг ишсиз аъзосига имтиёзли кредит ажратилишида ёрдам бериб, мо-токултиватор, тикув машинаси, пиширик печи олиб бераляпти. Балки бу билан 10 тадан 3-4 та ҳолатда камбағалликдан чиқилар. Аслида ишсиз фуқаро бу воситани ишлатиб, бола-чақа боқадими ёки кредит тўлайдими? Ўзи олиб берилган ўша нарса қанча туради?

Айрим одамлар иш йўқлигидан нолишади. Лекин иш топиб беришса, баҳона излайди. Коринга ишлат-гин, деб кўмак ажратса, «Менга кам теғди» дейди. Томорқасини ҳайдаб, уруғлигини берса, ишловини қил-майди, чорвангичи кўпайтир, деб мол берса, сотиб юборади.

Улар бу ишлар гўёки шундай бўлиши керакдай, қонуниятдай қабул қилишади. Аслида бугун камбағал-ликни бўйича олаётганлар ишқамас, дангаса, имкониятлардан фойдаланишни истамаётган кимсалар-дир.

Умид ХУДОЙҚУЛОВ
«ISHONCH»

Умр инсоннинг неча ёшга киргани билан эмас, балки қолдирган изи билан ўлчанади. Бизнесинг қаҳра-монимиз ҳам атиги 22 йил яшади, лекин шу қисқа ҳаёти давомида ёрқин истеъдоди билан қалбларни санъатга ошурфта қилишга улгурди.

...Қўшиқ янграмоқда. У кўнгилларга ором, дил-ларга ҳузур бахш этипти. Ширали овоз соҳибасининг ноласи борлиқни тут-гандек, гўё. Унинг ҳар бир сўзини аниқ ва лўнда та-лаффуз қилиши, қўшиқ ав-жини муносиқига мос ва хос оҳангда юқори пардаларда ижро этиши тингловчининг қалб торларини чертиб ўтади.

Дугонажон, чўлга сафар
олем келади,
Қўриқ очиб сизлар
билан қолем келади.
Бўз ерларнинг бустонига
келганда баҳор,
Чўл уйқусин бузиб, қўшиқ
солем келади.

«Дугонажон» номли бу қўшиқ ижроси Чамангул Нуриллаева эди.

Қарши туманининг ўтган асрининг 70-йилларидаги биринчи раҳбари Ибра-гим Очиллов зиёли, санъат ва маданиятни улуғлайди-ган кишилардан эди. Унинг ташаббуси билан «Чўл ча-мани» ансамбли тузилди. Жамоага тумандаги ўрта мактабларда таҳсил ола-ётган иқтидорли ёшлар киртилди. Улар орасида Шойқўжа қишлоғилик Ча-мангул Нуриллаева ҳам бор эди. Унинг опа-сингил-лари ва ака-укалари ҳам ўзига хос истеъдод соҳиб-лари бўлишган. Отаси Муҳаммад ака ва онаси Хосият опалар қизлари — Сарвар, Иклим, Ҳалима, Беғам, Муҳайё, ўғиллари — Ақром ва Жўраҳондаги иқтидордан, айниқса, Ча-мангулнинг бетақорор, ёқимли овозидан сақ-ланмишар эди. Ҳатто, кун-ларнинг бирида туманга ташриф буюрган Ўзбекистон халқ артисти Исоҳор Оқиллов ва машҳур баста-кор Муҳаммаджон Мир-заев воҳадан етишиб чи-каётган санъат гўнчалари-нинг маҳоратини кўриб, бошқалар қатори Чаман-гулнинг қобилиятига ҳам юксак баҳо беришган.

— Ўша дамлар худди кечагидек эсимда, — Де-йди «Чўл чамани» ансам-блининг солиқ аъзоси Ой-наси Очиллова. — Биз ҳам ансамблда фаол қатна-шардик. Бироқ Чаман-гул ўз иқтидори билан алоҳида ажралиб турарди.



ЭРТА ТАНИЛИБ, ЭРТА КЕТГАН ИСТЕЪДОД СОҲИБАСИ

Чамангул Нуриллаева ҳақида хотиралар

Бу унинг парвозига қанот берди. Қисқа муддатда кў-шиқ мухлислари назарига тушди. Ансамблимиз вило-ят, республика миқёси-даги кўрик-танловларда совринли ўринларни қўлга киритди. Натيجада халқ ансамбли деган шарафли номга сазовор бўлди. Бунда туман маданият бў-лимининг мудри Гулсара Чориеванинг хизматлари бекиёс бўлди.

Астойдил изланиш, ўз устида ишлаш бесама-р кетмади. Чамангул Ну-риллаева устоз санъат-корлар маслаҳати, кўрсат-малари билан «Мархабо, талантлар!», «Куйланг, ёш хонандалар!» республика фестивалларида иштирок этиш хуқуқини қўлга киритди. Ўша кез-лар қаққадаредан Улмас Саиджонов, хоразмлик Султонпошша Ўдаева, ан-дихонлик Одина Ғозиева, Санобар Раҳмонова каби ноҳодир овоз эгалари ҳам ўз мухлисларини топиб улгу-ришганди.

Чамангул Нуриллаева Тошкент театр ва рассом-чилик (ҳозирги Ўзбеки-стон давлат санъат ва ма-даният) институтида устоз санъаткорлардан соҳанинг нозик сирларини кунт би-лан ўрганди.

— Чамангул билан олий таълим муассасида бира тахсил олганман, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Одина Ғозиева. — Чамангул ноҳиб қобилият эгаси эди. Унинг ота-онаси, опалари билан кўришиб, суҳбатла-шиш бахтига муассар бўл-ганман. Онаси — Хосият ая 80 ёшдан ошган меҳрибон, муноси, ҳақиқий ўзбек аёли эди.

Ҳусан ТЕМИРОВ,
журналист



АРОСАТДА ҚОЛГАН КАШМИР

— ёхуд 78 йилдан буюн барҳам топмаётган можаро

Кашмир асрлар давомида тамаддулар чорраҳаси бўлиб келган. Аммо XX асрда у Жанубий Осиё танасидаги битмас ярага айланди. Дарҳақиқат, Кашмир муаммоси салкам 80 йил давомида Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги кескинликнинг бош манбаи бўлиб келмоқда. Мамлакатлар ушбу ҳудуд сабабли тўрт бор урушган, аммо муаммо хануз ўз ечимини топмаган.

2025 йил 22 апрель куни Ҳиндистон назоратидаги Жамму ва Кашмир ҳудудида жойлашган Пахалгам шаҳрида қуролли шах-лар террорчилик ҳужумини амалга оширдилар. Натияжада 26 киши ҳалок бўлди, бир неча инсон жароҳатланди.

Ҳиндистон ҳукумати ҳужумда «Покистоннинг қўли бор» де-ган баёнот билан чиққан, икки давлат ўртасидаги кескинлик яна кучайди.

Бу воқеага муносабат билдиришдан аввал Кашмир муам-моси аслида қачон юзага келган, деган саволга жавоб бериш за-рур. Буюк Британиянинг Ҳинд субконтинентдан чиқиб кетиши ортидан 1947 йилнинг августидега икки мустақил давлат — Ҳиндис-тон ва Покистон ташкил топди.

оташкесим келишуви билан яқунланди. БМТ 1948 йил апрель ойида Кашмир халқининг қайси давлат таркибига қўшилиши истагида эканини билиш учун референдум ўтказишни таклиф қилди.

Бироқ Ҳиндистон бу ғояни рад этиб, ўз қўшинларини ҳудуд-дан чиқаришдан бош тортиди ва назорат этидаги ҳудудларни тў-лиқ ўз таркибига қўшиб олиб, «Жамму ва Кашмир штати» сифа-тида эълон қилди.

Бунга жавобан Покистон ўз назорати остидаги Кашмир ҳуду-дида икки автоном ҳудуд — Озоқ Кашмир ва Гилгит-Болтистонни ташкил қилди.

Кейинчалик Кашмир тўфайли икки давлат ўртасида 1965, 1971 ва 1991 йилларда яна учта уруш рўй берди. Мустақиллик-дан сўнг Покистонда Бенгалия аҳолиси билан боғлиқ ички му-аммолар бошланди. Нью-Делининг Шарқий Покистон (ҳозирги Бангладеш) мустақиллик ҳаракатини қўллаб-қувватлаши 1971 йилда учинчи Ҳиндистон — Покистон урушига сабаб бўлди. Се-паратистларнинг Ҳиндистон томонидан қўллаб-қувватланишига жавобан Покистон Ҳиндистон ҳудудига ҳаво зарбалари берди.

1971 йилги уруш натижасида Шарқий Покистон узини мустақил давлат — Бангладеш деб эълон қилди.

1972 йилда Шимла келишуви имзоланди. Унга мувофиқ, «Назорат чизиғи» ташкил этилди ва Кашмир ҳудуди Ҳиндистон ҳамда Покистон назоратидаги қисмларга бўлинди.

1980 йиллар охирида Ҳиндистон назоратидаги Жамму ва Кашмирда оммавий норозилик намойишлари бошланди, бу қу-ролли кўзголонга айналди. Сиебатчиларни ўлдириб ва одам-ларни ўғриллаш каби террорчилик ҳуружлари авж олди.

Ҳиндистон бу ҳаракатларда Покистонни айблади ва ҳудудга қўшимча ҳавфсизлик кучларини юборди.

1999 йилда эса Каргил ҳудудига чегара бузилиши сабаб бир неча ҳафта давом этган қисқа уруш юз берди. Икки давлат ядро-вий тўқнашув остонасига келиб қолди.

Хуллас, Кашмир муаммосининг қисқача тарихи шу. Ва бу ма-сала ҳозир халқро майдондаги энг мураккаб ва ҳал этилиши мушкул низолардан бирига айланган. Британия Ҳиндистонни пар-чаланган, Ҳиндистон, Покистон ва Хитой ўртасида бўлиб олин-ган Кашмир ушланмаган умидлар ва ер, сув ҳамда қадр-қиммат учун асло тугамаётган кураш рамзига айланди. Бугун — эски ке-

лишувлар янги фожиалар юки остида кулаётган бир пайтда, Кашмир яна бир бор тўқнашув чизиғига айланди.

Нью-Дели қуролли кучлари шахсий таркиби сони бўйича ҳам катта устунликка эга: Ҳиндистонда 1,45 миллион ҳарбий хиз-матчи бор, бу кўрсаткич Покистонда 654 минг нафарни ташкил этади.

Техника жиҳатидан Покистон армияси фақат икки йўналишда — ўзи ҳаракатланадиган артиллерия тизимлари ва ракетали ускуна-лари сони бўйича Ҳиндистондан устун.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ядровий қурол захира-лари бўйича икки давлатнинг имкониятлари деярли тенг: очик манбаларга кўра, Ҳиндистонда 180 та, Покистонда эса 170 та ядровий каллак мавжуд.

Бу инқирозда ташқи уйинчиларнинг роли ҳам чекланганини таъкидлаш керак. Хитой Ҳиндистоннинг заифлашуvidан ман-фаатдор. АҚШ вазиятдан хавотирда эканини билдирса-да, амалда Ҳиндистонни Пекингга қарши қарши туриш нуктаи назар-дан қўллаб-қувватлайди. Россия эса, одатта кўра, бетараф-ликни сақлаб келмоқда, аммо объектив баҳолайдиган бўлсак, Покистондан кўра, Ҳиндистонга ён босади. Шу сабабли бу ҳо-латда самарали воситачиликка умид боғлаш мантиққа зид.

Энг хатарлиси — эски тийиб туриш механизми эмирил-япти. Яъни, сув келишувидан воз кечиш, ўзаро терроризмини қўллаб-қувватлаш борасидаги айбловлар, алоқаларни чеклаш ва чегараларни ёпиш орқали эскалация хавфи тобора ортиб бораляпти.

Яқин орадаги энг эҳтимолий сценарий шуки, чегара ҳудуди-даги ўзаро кичик тўқнашувлар ортиси ҳамда Покистонга иқтисо-дий таҳдид сиебатли кучайтирилиши мумкин. Аммо ички босим ва гуманитар инқироз сабаб ҳудуддаги чекланган тўқнашувлар ҳам кент қўламли урушга айланиб кетиши мумкин.

Жаҳонгир НАҲАНОВ
«ISHONCH»

Касаба уюшмалари ҳақида ўйлаганимда, негадир мудом ёдимга улуг шоиримиз Омон Матжоннинг машҳур санъаткори-миз Шукур Бурҳонова бағишланган куйидаги мисралари тушавради:

Кўрдим, Шукур Бурҳон Ҳамзадан чиқиб,
Аста пидёдала кетди бир куну.
Бир ён гаўжум кўча, бир ён расталар,
Оломон... Кўпчилик билмади уни...

Эндилликда маданият, санъат ҳамда туризм соҳалари касабасида ишлар эканман, бу сатрларни янада кўпроқ эслайдиган бўлдим.

Сабаб?.. Сабаб шуки, биз аксарият ҳолларда мазкур соҳа ходимларини негадир саҳналарда, телеэкран ёки оммавий томошаларда кўрганимиздек тасаввур қиламиз, уларни халқ олдига чиққан ҳолатларидагидек – доимо дарду ташвиши йўқ инсон сифатида биламиз. Аслида улар ҳам инсон, уларнинг ҳам яхши кунлари, ҳам-ташвишли дамлари бор. Баъзан кимнингдир далдасига, кимнингдир мададига муҳтож бўлишади. Гоҳида моддий, гоҳида маънавий кўмакка эҳтиёж сезишади.

Буни фаолиятимиз мисолида янада яққолроқ кўришимиз мумкин.

Сўзимиз аввалида бир маълумотни айтиб ўтишим жоиз: Маданият, спорт ва туризм ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши ўз фаолиятини 2020 йилда қайта ташкил этди. Бугунги кунда тасарруфдаги 1623 та бошланғич ташкилот ўз сафларига 175 минг 244 нафар аъзони бирлаштирган.

Айни кезларда тармоқ тизимидаги барча бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди. 1298 нафар касабаси уюшмаси кўмитаси раиси қайта сайланди, 325 нафари илк бор иш бошлади. Энг ҳайратланарлиси, Ўзбекистон халқ артисти, «Меҳнат шухрати» ордени соҳиби Хайрулла Саъдиев 60 йилдан буён Ўзбекистон давлат сатира театри касабаси уюшмаси кўмитаси раиси вазифасини бажариб келяпти. Шу муносабат билан элимизнинг суюкли санъаткорига яқинда Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг «Ўзбекистон касабаси уюшмалари лауреати» кўкрак нишони топширилди. Театр жамоаси эса бу сафар ҳам у кишини тақдоран ўзларига етакчи қилиб сайлади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Маданият, спорт ва туризм ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши ҳамда ҳамкор ташкилотлар – Маданият вазирлиги, Бадий академия, Спорт вазирлиги ўртасида соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ва меҳнатга оид ҳақ-ҳуқуқларини химоялаш борасида 2023-2025 йилларга мўлжалланган Тармоқ жамоа келишувлари имзоланган.

Бош жамоа келишуви, тармоқ жамоа келишувлари асосида тармоқ тизимидаги барча бошланғич ташкилотларда жамоа шартномаларининг бугунги кундаги мазмуни янада бойитилиб, аниқ меъёрлар киритилмоқда, муҳими, уларнинг ижроси таъминланишига эришилмоқда.

I

Биласиз, рақамлар ҳам сўзлайди. Эҳтимол, улар кўп нарсани ҳал қилолмас, аммо ўзида ҳақиқатни акс эттиради. Рақамлар орқали ютуқ ва камчиликларни таҳлил-муҳокама қилиш, мулоҳаза юритиш, хулоса чиқариш ва келгуси ишларни режалаштириш мумкин. Шу боис ва фаолиятимиз ҳақида тўлиқроқ тасаввур пайдо бўлиши учун рақамларга мурожаат қиламиз.

Утган йили тизимдаги ташкилот ва муассасаларда жамоа шартномаларида қабул қилинган бандлар 99,4 фоизга бажарилибди. Бу, аввало, фаолият дастур асосида ва инсон қадрини теран англаган ҳолда олиб борилаётганини билдиради.

Ташкилот ва муассасаларда жамоа шартномалари тадбирларининг бажарилиши бўйича ўрта ҳисобда бир ходимга 2021 йилда ўртача 2 миллион 400 минг сўм маблағ сарфланган бўлса, 2024 йилга келиб, бу кўрсаткич 5 миллион 400 минг сўмни ташкил қилган.

Корхона, ташкилот ва муассасаларда ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзолари ижтимоий химоясини таъминлашда ижтимоий шериклик муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борадаги ишлар уларнинг турмуш даражаси янада яхшиланишига таъсир кўрсатмоқда. Зеро, оиласидан, рўзгоридан кўнгли хотиржам одам муаммо ва ташвишлардан холи бўлиб, касби ва ишига меҳр ила ёндашади, хушқайфиятда меҳнат қилади.

Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали қатилан-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлашга қаратилган эътибор замирида ҳам шундай эзгу мақсадлар ётгани бежиз эмас. Чунки оналар, аёллар оиланинг кайфият механизми ҳисобланади. Айниқса, ишлаётган оналар қўллаг-қувватлашга эҳтиёж сезишади. Улар ортқиқча стрессларсиз меҳнат қилсалар, фарзандлари тарбиясида ҳам, ишда ҳам ютуқларга эриша оладилар. Нодавлат мулк шаклидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 298 нафар болали аёлга ойлик маоши сақланган ҳолда иш вақтини ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгилаш тартиби жорий этилганини ҳам шу истаклар билан боғлаш жоиз. Бу мисолларни яна давом эттириш мумкин. Икки ёшдан уч ёшгача бола парвариши учун таътилда бўлган 280 нафар еш онага моддий ёрдам тариқасида 94 миллион 913 минг сўм ажратилган. Тармоқ корхоналарида 1600 нафардан ортқиқ кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари учун ўқув қуроллари, дарсликлар харид қилиш харажатлари қисман қоплаб берилган.

Келажак ёшлар қўлида деган гапни бот-бот такрорлаймиз. Демакки, уларнинг буғуни билан ҳам қизиқишимиз шарт! Ҳозир улар нималар билан банд, нималар ҳақида ўйлашмоқда, қандай масалалардан ташвишланишмоқда? Албатта, биз буларни билишимиз ва ёрдам беришимиз керак. Шунга биноан, тармоқ тизимидаги ташкилот ва муассасаларда ёшларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам талай ишлар амалга оширилляпти. Чунончи, кам таъминланган 2685 нафар еш оила вакилларига 1 миллиард сўмдан ортқиқ моддий ёрдам кўрсатилди. Уй-жой қуриш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ мuddат фойдаланиладиган товарларни харид қилиш учун оилаларга иш берувчилар ҳисобидан 15 миллион 500 минг сўмдан фоизсиз ссудалар ажратилди.

Жамиятнинг яна бир қатлами борки, улар кўп йиллик умрларини ишга бағишлаган, бугун эса соғлиғига путур етгани



ҲАЁТ ИНСОНЛАРГА ЯХШИЛИК ҚИЛИШ УЧУН ИНЪОМ ЭТИЛГАН

ёки бошқа сабабларга кўра, уйда ўтириб қолишган. Тўғри, улар қандайдир моддий ёрдамга муҳтож бўлмадиларки мумкин. Аммо ҳол-аҳвол сўраб кўнгирок қилсангиз, бамисоли дунёларни берган бўласиз. Уйига йўқлаб борсангиз-ку, улардан бахтли одам йўқ. Иил давомида мана шу аънаналар давом эттириб келинаётгани ўзимизга ҳам рағбат беради. Хусусан, ногиронлиги бўлган шахслар ва ўзгалар парваришига муҳтож 436 нафар собиқ ходимга байрам саналари муносабати билан 175 миллион 623 минг сўм маблағ ажратилди. «Мурувват» ва «Саховат» уйларида яшовчилар ҳолидан мунотазам хабар олиниб, уларга маиший жиҳозлар, кийим-кечак ва бошқа зарур жиҳозлар топширилди.

424 нафар шахсга пенсияга чиқишидан олдин бир йўла тўланадиган моддий ёрдам бериш ва уларни қимматбахо совғалар билан тақдирлаш учун 162 миллион 905 минг сўм, 563 нафар ходимга юбилей саналари муносабати билан қимматбахо совғалар топшириш учун 167 миллион 91 минг сўм, ишламайдиган 1007 нафар пенсионерга моддий ёрдам сифатида 275 миллион 54 минг сўм маблағ ажратилди.

II

Маълумки, тармоқ касабаси уюшмаси тизимидаги соҳаларга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш, янги қонунларни амалиётга татбиқ этиш ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини самарали химоя қилишда муҳим ўрин тутди. Шулар сабаб ушбу йўналишдаги ишларда тармоқ касабаси уюшмасининг фаол иштироки таъминланишига эришилди. Хусусан, йил давомида тармоқ ходимлари касабаси уюшмаси Республика кенгаши томонидан ижтимоий-меҳнат соҳасига доир 30 дан ортқиқ ҳуқуқий ва меъърий ҳужжат лойиҳалари кўриб чиқилиб, тақлифлар берилди.

Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш чоралари кўрилди. Қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари тарғиботини кучайтириш, ходимларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга кўмаклашиш борасида ҳам талай тадбирлар олиб борилди. Жумладан, бошланғич ташкилотлардан тушган 285 та мурожаат асосида 118 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланиб, ходимлар фойдасига 1 миллиард 141 миллион 623 минг сўм маблағ ундирилишига эришилди.

Бу рақамлар ҳисобот учун айтилаётгандай туюлса-да, ҳар бирининг ортида инсонлар тақдир турганини, оилалар ташвиши ариганини, уларнинг қалбида ҳаётга ва ташкилотимизга бўлган ишонч кучайганини унутмаслик керак.

Инсон меҳнат қилар экан, қаъзн ҳақ-ҳуқуқлари топталиши эҳтимолдан холи эмас. Бай бири ишдан ноҳақ бўшатиш, бошқасига ойлик маоши ўз вақтида тўланмайдиган. Ёки меҳнат шaroити талаблар даражасида бўлмайдиган. Шундай ҳолларда биз жамоатчилик назорати ўтказиш жараёнида

меҳнат қонунчилиги ва норматив ҳужжатлар талаблари бузилганига дуч келамиз. Бултур ходимлар манфаатларига доир 11 та мана шундай ҳолат аниқланди ва иш берувчиларга тегишли тартибда кўрсатмалар киритилди. Масалан, Сирдарё вилоятидаги Гулiston иختисослаштирилган санъат мактабининг 109 нафар ўқитувчисига жами 923 165 000 сўм иш ҳақи ва таътил пуллари ундириб берилди. Наманган вилоятидаги Туризм бошқармасининг 2 нафар ходими эса ишга тикланиб, уларга 82 363 750 сўм моддий ва маънавий зарар, Норин туманидаги 6-сонли мусиқа ва санъат мактаби директори А.Абдуваҳобов ишга тикланиб, 18 150 000 сўм моддий ва маънавий зарар ундириб берилишига эришилди. Камолитдин Бехзод номлидаги миллий расомчилик ва дизайн институти проректори Д.Қурбонова ишга тикланиб, унинг фойдасига 74 миллион сўм ундирилди. Жиззах вилоятининг Арнасой туманидаги 5-Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси Г.Содиқова ва Н.Зайдованинг ишга тиклаш ҳақидаги аризалари судда кўриб чиқилиб, даъволари қаноатлантирилди.

III

Ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикликни ривожлантириш доирасида тармоқ касабаси уюшмаси ҳамкор вазирликлар, идоралар ва нодавлат ташкилотлар билан алоқаларни тобора кенгайтириб бормоқда. Вазирликлар меъърий ҳужжатларининг амалдаги қонун талабларига мувофиқлигини таъминлаш йўлида қилинаётган ишлар бунга яққол мисол бўла олади. Чунончи, Спорт вазирлиги ҳамда Маданият вазирлигининг тегишли ҳужжатлари, низоми ва қарорлари лойиҳалари кўриб чиқилиб, ходимлар манфаатларини химоя қилишга оид зарур тақлифлар берилган. Бу тақлифлар, шубҳасиз, касабаси уюшмалари аъзолари хавфсиз ва муносиб меҳнат шaroитларида ишлашларини таъминлашга қўл келади.

Ҳамкор вазирликлар ва идоралар билан ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 2023-2025 йиллар учун тузилган Тармоқ жамоа келишувларининг ижроси, «Йул харитаси» ва бошқа масалалар муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинишида ҳам шу мақсадлар назарда тутилган. Тармоқ жамоа келишувлари асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлари, Тошкент шаҳри миқёсида 28 та ҳудудий жамоа келишувлари тузилган.

Тармоқ касабаси уюшмаси хизматига олинган 1623 та юридик шахсда жамоа шартномалари қабул қилиниши натижасида 177 минг 215 нафар ишчи-ходимнинг манфаатлари қамраб олинди. Бошланғич касабаси уюшмаси ташкилотларида бандликнинг ностандарт турлари мониторингинг натижаларига кўра, 1068 нафар ходимга жамоа шартномаларига биноан тўлиқсиз иш вақти шaroитида меҳнат қилиш имкони яратилди.

Умуман олганда, жамоатчилик назорати асосида ўтган давр давомида 150 дан ортқиқ корхона ва ташкилотнинг меҳнат қонунчилиги талабларига риоя қилишга боғлиқ фао-

лияти ўрганилиб, камчиликларни бартараф этиш бўйича амалий ёрдам кўрсатилган ва хатолар тақрорланмаслиги юзасидан тегишли масалалар берилган. Ишонимизки, булар келгусида ходимларнинг иш шaroитидан рози бўлиб, эмин-эркин ишлашларига хизмат қилади.

IV

Ҳаётимизнинг асосий қисмини ишхонада ўтказар эканмиз, ютуқлар ва қувончли ҳолатлар билан бир қаторда, турли мураккабликлар ва келишмовчиликларга ҳам дуч келамиз. Демакки, ўз-ўзидан ҳаммамиз маданий-маънавий кўмакка, турли кўнгилочар саёҳатларга эҳтиёж сезамиз. Шу боис Республика кенгаши ҳамкор вазирлик ва идоралар билан мунотазам равишда айни йўналишда тадбирлар ўтказишни аънананга айлантирган. Уларда касабаси уюшмалари аъзолари иштирок этиб, маданий дам олишади, жамоавий мусобақалардаги муваффақиятлардан илҳомланиб, келгуси фаолиятлари учун куч тўплашади, десак, муболага бўлмайди. Масалан, Бадий академия ҳамкорлигида ўтказилган республика даражасидаги 4 та, халқаро миқёсидаги 3 та танловда ходимлар фахр билан иштирок этишди.

Утган йилдан эътиборан тармоқ тизимидаги мусиқа ва санъат мактаблари ўқитувчи-ходимларининг «Касбим – фахрим» шiori остидаги республика фестивали уларнинг илҳом манбаи сифатида баҳоланмоқда. 2021 йилдан буён Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси билан биргаликда ўтказилаётган «Қалдирғоч» болалар мусиқа ижодкорлари республика танлови ҳам шулар сирасидандир.

Айниқса, Наврўз, Хотира ва қадрлаш кuni, Мустақиллик байрамлари арафасида узоқ йиллар маданият, кино, спорт, театр, соҳасида меҳнат қилиб, ҳозир кексалик гаптини сураётган фахрийлар ҳолидан хабар олиш каби эзгу ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Маданий ҳаёт ҳақида гапирадиган бўлсак, саёҳатлар тўғрисида тўхталмаслик мумкин эмас. Чунки юртимизнинг гўзал гўшаларини ўз кўзи билан кўриш, тарихий ва замонавий обидалар маҳобатини ҳис қилиш кишига ўзгача завқ беради. Шунинг учун ҳам 2021-2025 йилларда 52 минг 385 нафардан ортқиқ аъзонинг Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрига саёҳатлари уюштирилди. Бундай тадбирлар уларда унутилмас таассуротлар қолдиргани аниқ.

Яна бир гап. Ходимларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этиш, бой маданиятимиз ва тарихий меросимиз билан яқиндан таништириш мақсадида улар концерт, театр, музей, кино ва кўрғазма залларига тақлиф қилинмоқда. Жорий йил 27 мартда Халқаро театрлар кuni муносабати билан Касаба уюшмалари саройида «Театр. Инсон. Тафаккур» деб номланган маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

Бу ташаббусларимиз апрель ойида ҳам давом этди. Ўзбекистон Бадий академияси билан ҳамкорликда халқаро аънавий «Тасвир ва амалий санъат фестивали», Навоий вилоятида «Раҳбар ва ёшлар» ўрашуви, тармоқ тизимидаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари педагог-ҳодимлари ўртасида «Касбим – фахрим» мусиқа фестивали, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси ҳамкорлигида «Қалдирғоч» IV республика болалар мусиқа ижодкорлари кўрик-танлови, Шахмат Федерацияси билан ҳамкорликда шу йўналишда республика спорт мусобақаси ўтказилди. 2 май кuni эса Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик давлат музейида «Миллий қадриятлар – миллат кўзгуси» номли бадий-мусиқий кеча бўлиб ўтди.

V

Спорт – соғлиқ гарови. Спорт билан мунотазам шугулланиб, чиниққан инсоннинг соғлиғига муаммолар деярли бўлмайди. Бу унинг ишида унум, вақтида барака бўлади, дегандир. Шу боис ишчи-ҳодимларнинг спортга қизиқтириш масаласи ҳаммаиз бизнинг эътиборимизда. Утган йили Спорт ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда соҳа ходимларини спортнинг оммавий турларига жалб қилиб, соғлиқларини мустаҳкамлашга қаратилган талай ишлар амалга оширилди. Хусусан, тармоқ ходимлари ўртасида мини-футбол, стол тенниси, шашка, шахмат, волейбол бўйича республика спартаквадалари ташкил этилди. Уларда 12 минг нафардан ортқиқ ходимлар, маҳалла ёшлари ўртасида аънавий тарзда ўтказилиб келинаётган Беш ташаббус олимпиадасида эса 80 минг нафардан ортқиқ йигит-қизлар қатнашдилар.

Ҳаёт инсонларга бир-бирига яхшилик қилиш учун инъом этилган. Албатта, жорий йилда ҳам тармоқ тизимидаги соҳа ходимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳимоя қилиш асоси тизимга аъзо ташкилотлар ва касабаси уюшмаси аъзолари сонини муттасил кўпайтириб бориш режалаштирилган. Амалга оширилаётган ҳар бир ташаббус, ҳар бир хайрли иш замирида эса, энг аввало, инсонлар дардига дармон бўлиш, уларнинг муаммоларига ечим топишдек эзгу мақсад мужасамлашган.

Ҳа, ҳаёт шундай! Тақдир йўллари қаёққа элтишини, у ерларда бизни нималар кутиб турганини-ю қандай инсонларга рўбарў келишимиз мумкинлигини олдиндан билмаймиз. Билганимиз шуки, ҳар қандай дамда ҳам ҳамюртларимизга елкадош ва дилдош бўлувчи, далда ва кўмак берувчи бир ташкилот бор. Уни «касабаси уюшмалари» деб атайдилар. Бу ташкилотдан ҳеч ким, ҳеч қачон норизо бўлиб кетмаган. Шундай бўлиши ҳам керак. Негаки, фаолиятимизда асосий эътибор ана шу тамойилга қаратилган.

Отабек МУСАЕВ,
Маданият, спорт ва туризм
ҳодимлари касабаси уюшмаси
Республика кенгаши раиси

Азиз газетхон!
Мароқли дам олинг!



Неъматбадал Партаев (Партавий)
мухаммаси билан айтилувчи
«КАТТА СУВОРА»
Қувондиқ Матқаримов ижросида

Ётиб ғору панода дийдаи элдан ниҳондурман,
Жунун тугёнида тийри маломатта нишондурман,
Бу ҳолат бирла гар афсонаи аҳли замондурман,
Кезарман ишқ шахристониди бир карвондурман,
Матои ҳусн олурга жон бериб ҳарсу равондурман.

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati:
Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib - «Ishonch»), Valentina MARSEYANOV (Mas'ul kotib - «Ishonch-Doverie»)
Bosh muharrir Husan ERMATOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti - (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot - (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport - (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash - (71) 256-85-43
Marketing va obuna - (71) 256-87-73
Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi - (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati - (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati - (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati - (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati - (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati - (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati - (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati - (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati - (+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati - (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati - (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati - (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati - (+998-37) 705-08-93

Navbatchi muharrir: Abdunabi Haydarov
Manziliimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch1991@yandex.uz
Nashr ko'rsatkichi: 133
Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 32 448 ta
Shundan: 6 257 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi - Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda; 18 276 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi - Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda; 7 915 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi - Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«B» uyda chop etildi.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-411 1 2 3 4 5 6